

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «Мустаҳкам Тех» МСНҲ номидан раҳбар **А.Ҳакимов** бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Ҳаридор" деб юритилувчи Улугнор туман Хокимлиги номидан раҳбар **А.Ҳамракулов** иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

#### 1. Шартнома предмети

1.1 «Етказиб берувчи» мазкур шартнома бўйича «Ҳаридор»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган маҳсулотларни етказиб бериш, «Ҳаридор» эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, пул ўтказиш йўли орқали ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини олади.

#### 2. Шартнома қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1 Мазкур шартноманинг баҳоси **6 608 000** (олти миллион олти юз саккиз минг) сўмни ташкил этади. Етказиб бериладиган маҳсулотлар куйидагича:

2.2. Ҳисоб-китоб «Ҳаридор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. «Ҳаридор» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30%, ни олдиндан аванс тариқасида «Етказиб берувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган 70% ни «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотларнинг ҳисоб-варақ фактуралари асосида ўтказиб беради.

2.5. «Ҳаридор» томонидан 70 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Етказиб берувчи» 3 кун давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нарҳларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни «Ҳаридор» га етказиб беради.

2.6. Маҳсулотларни етказиб бериш харажати «Етказиб берувчи» ҳисобидан қопланади.

#### 3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Ҳаридор»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Етказиб берувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага асосан тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи»дан талаб қилиш;

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. "Етказиб берувчи" куйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Ҳаридор"дан талаб қилиш.

#### 4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги-Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик- Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави ҳужжатларида ёки шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, харидор товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориде жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан ақцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.4. Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик-Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда харидор:

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи харидорнинг талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли;

етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, харидор бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.5. Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик-Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун харидор етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса - 10 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.6. Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик-товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун харидор маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун харидор етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

#### 5. Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1. Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

#### 6. Форс — мажор

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

#### 7. Бошқа шартлар

7.1. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.2. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Етказиб берувчи» да, иккинчи нусхаси «Харидор»да сақланади ва иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

#### 8. Шартнома муддати

8.1. Шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлинимасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабрга қадар амал қилади.

#### 9. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари

«Етказиб берувчи»

«Харидор»

« Мустахкам ТЕХ » МСНҲ

Манзил: Андижон вилояти, Улугнор тумани,


ИНН: 308613963

х/р: 20208000905408068001

Банк: Агробанк АТБ Улугнор ф

МФО: 00055

Раҳбар: А.Хакимов



Юрист:

*[Handwritten signature]*  
*[Handwritten signature]*

Улугнор туман Ҳокимлиги

Манзил: Улугнор туман А.Навоий куча №1

Ш.х.в: 305022860032177109601018001

ИН: 200273921

Ҳаз. Респ. Меҗия ваз. Ҳазначилиги

Ҳазна х/р: 23402000300100001010

Банк: МБ ББ ХККМ Тошкент ш.

МФО: 00014 ИН: 201122919

Раҳбар:

А.Хамракулов



2022 йил '01' 07 кунги № 3/3 сонли шартномага 1-илова

№	Лот рақами	Махсулот (товар)номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Сумма
1	22110012109123	Гўшт ва тухум зотли товуқлар	ШТ	560	11800	6 608 000
жами						6 608 000

«Етказиб берувчи»

Рахбар \_\_\_\_\_ А.Хакимов



«Харидор»

Рахбар \_\_\_\_\_ А.Хамрақулов

